

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-сентябрида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1 085,8 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 300,0 миллион АҚШ долларини) ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,6 фоизни ташкил қилди.


Молиялаштириш манбалари ва мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2017 йил январь-сентябрда)

	Жами	шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд. сўм	1 085,8	214,9	870,9
<i>шу жумладан: молиялаштириш манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	63,3	55,7	7,6
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	100,9	95,8	5,1
корхоналар ва аҳоли маблағлари	623,3	42,0	581,3
чет эл инвестициялари ва кредитлари	90,1	12,3	77,8
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	203,5	4,4	199,1
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	4,7	4,7	-

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Жиззах вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

2017 йил январь-сентябрь ҳолатига алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби

(фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

(млрд. сўм)

	Январь-сентябрь			
	2016 й.	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда	2017 й.	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда

Жами	934,3	100,0	1 085,8	100,0
-------------	--------------	--------------	----------------	--------------

шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича:

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	53,1	5,7	57,9	5,3
тоғ–кон саноати	32,6	3,5	9,8	0,9
ишлаб чиқариш саноати	167,7	17,9	140,8	13,0
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	10,6	1,1	13,8	1,3

	<i>Январь-сентябрь</i>			
	<i>2016 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>	<i>2017 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	16,3	1,7	33,0	3,0
қурилиш	35,2	3,8	40,7	3,7
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	28,8	3,1	41,7	3,8
ташиш ва сақлаш	55,3	5,9	76,6	7,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6,7	0,7	13,8	1,3
ахборот ва алоқа	3,5	0,4	25,1	2,3
молиявий ва суғурта фаолияти	7,4	0,8	6,9	0,6
профессионал, илмий ва техник фаолият	1,7	0,2	9,6	0,9
таълим	40,8	4,4	57,8	5,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	27,8	3,0	40,0	3,7
Бошқа иқтосодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	402,4	43,1	464,3	42,8
санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	7,1	0,8	19,9	1,8
бошқа фаолият турлари	37,3	4,0	34,1	3,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ–кон саноатида – 9,8 млрд. сўм (жами инвестициялар хажмида 0,9 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 140,8 млрд. сўм, (13,0 фоиз) шундан озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 13,0 млрд. сўм (1,2 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 16,0 млрд. сўм (1,5 фоиз), кимё маҳсулотлари – 0,2 млрд. сўм (0,02 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 47,1 млрд. сўм (2,0 фоиз), металлургия – 760,4 млрд. сўм (1,9 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 2 221,1 млрд. сўм (5,6 фоиз), қурилиш – 1 695,4 млрд. сўм (3,7 фоиз), ташиш ва сақлаш – 76,6 млрд. сўм (7,1 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 41,7 млрд. сўм (3,8 фоиз), ахборот ва алоқа – 25,1 млрд. сўм (2,3 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 9,6 млрд. сўм (0,9 фоиз), таълим – 57,8 млрд. сўм (5,3 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 464,3 млрд. сўмлик (42,8 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар

2017 йил январь-сентябрида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 90,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 150,4 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2017 йилнинг январь-сентябрида)

	Млрд. сўм	Умумий хажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар

Жами асосий капиталга
киритилган хорижий
инвестиция ва кредитлар

90,1

13,8

86,3

шу жумладан:

давлат

12,3

13,7

-

нодавлат


77,8

0,1

86,3

Ҳисобот даврида Жиззах вилояти бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 86,3 фоизни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларнинг
алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**



■ 2016 йил январь-сентябрь ■ 2017 йил январь-сентябрь

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши хом нефть ва табиий газ қазиб олишга тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 4,8 фоизни ташкил қилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 38,9 фоизга ўсган, мос равишда ахборот ва алоқа – 2,0 фоизни (64,1 фоизга) ташкил қилди.

Шу билан бирга куйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши камайганлиги кузатилди: соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 0,12 фоизга, (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 27,1 фоизга).

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 464,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар хажмининг 42,8 фоизни ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-сентябрида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари

	Барча манбалар ҳисобидан			
	Фойдаланишга топширилди		2016 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда	
	жами	шу жумладан: қишлоқ жойларда	жами	шу жумладан: қишлоқ жойларда
Уй–жой, умумий майдони минг кв.м	459,0	279,4	83,1	76,0
ундан:				
якка тартибдаги уй–жойлар	424,9	245,5	96,2	95,6
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	34,1	34,1	30,7	30,7
Умумий таълим ва махсус мактаблар, ўқувчилар сони	870	460	39,5	41,1
Сув тармоқлари, км	256,4	176,3	118,4	62,4
Газ тармоқлари, км	35,0	16,3	91,9	89,1

2017 йил январь-сентябрида умумий майдони 459,0 минг кв.м. бўлган 3,1 мингта уй ёки 3,3 мингта квартира (2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 83,1 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 279,4 минг кв.м. (76,0 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 256,4 км сув тармоқлари (176,3 км қишлоқ жойларда) ва 35,0 км газ тармоқлари (16,3 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, мос равишда 2016 йил январь-сентябрига нисбатан 118,4 ва 91,9 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич сув тармоқлари 62,4 фоизни, газ тармоқлари 89,1 фоизни ташкил қилди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиш ва капитал реконструкция ҳисобига 42,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу соғлиқни сақлаш соҳасида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 4,0 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицей ва касб–хунар коллежларини қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 7,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 0,7 фоизини ташкил қилди.

Таълим жараёнини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора–тадбирлар доирасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 57,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 100,0 фоизини ташкил қилди.

Сув тармоқлари қурилишига 14,5 млрд. сўм, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 13,1 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг (90,3 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 1,4 млрд. сўм (9,7 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 0,4 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,4 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти

2017 йил январь-сентябрида 858,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 104,4 фоизни ташкил этди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	январь-сентябрь	
	2016 й.	2017 й.
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	747,2	858,8
<i>шу жумладан:</i>		
давлат	48,1	63,0
нодавлат	699,1	795,8

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 795,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 92,7 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Жиззах вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 858,8 млрд. сўм нодавлат секторининг улуши 92,7 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга, 19,1 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.